Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 26 СЕНТЯБРЬ, ДУШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 199 (13.262)

Баҳоси эркин нархда

ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг бевосита раҳбарлигида бошланган, Тошкент шаҳрини нафақат минтақамиз, балки дунёдаги энг гўзал ва обод мегаполислардан бирига айлантириш мақсадида замонавий транспорт-коммуникация тармоқларини барпо этиш, миллий меъморчилик ва бугунги шаҳарсозликнинг энг илғор ютуқ ва услубларидан ижодий фойдаланган ҳолда, кенг миқёсдаги қурилиш ва ободонлаштириш ишлари изчил давом эттирилмоқда. Хусусан, истиқлол йилларида пойтахтимизда юзлаб янги турар жойлар, маданий ва маиший иншоотлар бунёд этилди. Бу ўз навбатида шаҳар аҳлининг ҳаёт даражаси ва сифатини тубдан яхшилаш билан бирга, пойтахтимиз кўрки ва чиройига янгича қиёфа ва ҳусн бағишламоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи, Республика Бош вазири Шавкат Мирзиёев шу йилнинг 25 сентябрида Тошкент шаҳрининг Сергели туманида олиб борилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, аҳоли мавзелари, кўп қаватли турар жойлар ва ижтимоий соҳа объектларини кузги-қишки мавсумга тайёрлаш ишларининг бориши билан яқиндан танишди. Айниқса, нураб қолган эски уйлар ўрнида янги биноларни қуриш, кўп қаватли уйлардаги яшаш шароитларини янада яхшилаш, аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини инобатга олиб, коммунал хизматлар сифатини ошириш, бу борада иқтисодий тежамкор усулларни жорий этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

Аҳоли вакиллари ва шаҳар раҳбарлари, мутасаддилар иштирокида ўтказилган учрашувда Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳри учун устувор аҳамиятга эга бўлган йирик дастур – Сергели туманида 2017 – 2022 йилларда 500 та кўп қаватли уйнинг бунёд этилиши билан боғлиқ лойиҳа ишлаб чиқилганига алоҳида тўхталди. Бу турар жойларнинг бугунги кун талабларига тўла жавоб берадиган пухта лойиҳалар асосида қурилиши, уларни энг замонавий инфратузилмалар билан таъминлаш бўйича мутасадди раҳбарлар ва мутахассислар билан атрофлича фикр алмашди.

Таъкидлаш жоиз, бу улкан лойиҳанинг амалга оширилиши қарийб 30 минг оиланинг янги уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондириш имконини яратади. Шуниси эътиборлики, уйлар оилаларга имтиёзли ипотека кредити орқали берилади.

Учрашувда яна бир муҳим масала – азим пойтахтимизнинг барча туманларида янги маданият ва истироҳат боғлари барпо этиш, яшил майдон ва ҳудудларни янада кўпайтириш масаласи муҳокама этилди. Пойтахтда янги транспорт-коммуникация тармоқлари, маданий-маиший объектлар бунёд этиш, ер ости тезюрар метро йўналишлари қурилишини лойиҳалаштириш ишларини жадаллаштириш борасида аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Шавкат Мирзиёев яқин келгусида амалга оширилиши мўлжалланган бу лойиҳалар нафақат Сергели туманини, балки бутун Тошкент шаҳрининг имконият ва салоҳиятини янада юксалтириш йўлида катта истиқболлар очиб беришини қайд этди.

Ушбу бунёдкорлик ишлари замирида қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, маҳаллий ресурслардан кенг фойдаланиш, соҳада минглаб янги иш ўринларини яратиш кўзда тутилгани, айниқса, аҳамиятлидир.

Учрашувда пойтахт аҳолиси учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш, улкан ҳажмдаги ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга ошириш, бир сўз билан айтганда, одамларни ҳаётдан рози қилиш масаласи доимий эътибор марказида бўлиши таъкидланди.

Бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчлик ва осойишталикни кўз қорачиғидек асраш энг долзарб вазифадир. Учрашувда Тошкент шаҳрида тартиб-интизомни ҳар томонлама мустаҳкамлаш, паспорт-виза режимига қатъий амал қилиш бўйича мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди ва муҳокама этилган барча масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЎзА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Комиссия раиси М.Абдусаломов бошқарган мажлисда сиёсий партиялар вакиллари, оммавий ахборот воситаларининг ходимлари иштирок этди.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 24[1]-моддаси ва "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги қонуннинг 5-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси 2016 йилги Президент сайловида иштирок этиш учун сиёсий партияларнинг тақдим этилган аризалари ва бошқа ҳужжатларини кўриб чиқиб, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясига Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этишга ижозат бериш тўғрисида қарор қабул қилди.

Марказий сайлов комиссияси сиёсий партияларнинг ваколатли вакилларига рўйхатга олинганлик гувоҳномаларини ва белгиланган намунадаги имзо варақаларининг бланкаларини берди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларини тузиш ва уларнинг шахсий таркибини тасдиқлаш тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

Комиссия аъзолари сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқдилар.

Муҳокама қилинган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

* * *

Шу куннинг ўзида мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампаниясининг боришига бағишланган брифинг ўтказилди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов сайловга тайёргарлик ишлари қонунчилик талаблари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Асосий тадбирлар дастури асосида изчил олиб борилаётганини қайд этди.

Сайлов кампанияси қизғин паллага кириб бормоқда, сайловда иштирок этувчи партиялар аниқланди, уларга имзо варақалари бланкалари берилди. Сиёсий партиялар Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни қўллаб-қувватлаш юзасидан сайловчилар имзосини иш, хизмат, ўқиш, яшаш жойида, сайловолди тадбирларида тўплашга ҳақли.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонунга 2015 йил 29 декабрда киритилган ўзгартишларга мувофиқ сиёсий партия томонидан тақдим этилган имзо варақалари Ўзбекистон Республикаси жами сайловчилар умумий сонининг 5 фоизидан 1 фоизигача камайтирилди. Бу 214 минг 350 нафар сайловчи имзосини ташкил этади.

Бу имзолар камида саккизта маъмурий-ҳудудий тузилма намояндаси бўлган сайловчиларни қамраб олган бўлиши керак. Маъмурий-ҳудудий тузилмалардан бирида сиёсий партия имзолар умумий миқдорининг кўпи билан саккиз фоизини тўплаши мумкин.

Анжуманда журналистлар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари тузилганлиги ҳақида хабардор қилинди. Округ сайлов комиссиялари аъзоларининг 56,6 фоизи аввалги сайловларда амалий тажриба тўплаган, жамиятимизнинг обрўли вакилларидир. Комиссия аъзоларининг 56 нафари, яъни 36,8 фоизи хотин-қизлардир, уларнинг 12 нафари эса сайлов комиссияларининг раҳбариятидан жой эгаллаган.

Бутун сайлов кампанияси ошкоралик ва очиқлик тамойиллари асосида олиб борилмоқда. Шу мақсадда Марказий сайлов комиссияси ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, "Жаҳон", "Uzreport" ахборот агентликлари, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ўртасида икки томонлама битимлар имзоланди.

Республика матбуот маркази фаолият кўрсатмоқда. Марказий сайлов комиссияси томонидан хорижий ва миллий оммавий ахборот воситаларининг қарийб 400 нафар вакили аккредитациядан ўтказилди.

Шу билан бирга, Марказий сайлов комиссияси томонидан Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти ва Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси каби нуфузли халқаро тузилмаларга Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида кузатувчи сифатида иштирок этиш учун таклифномалар юборилгани маълум қилинди.

Б.БОЗОРОВ

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг

ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИНИНГ ШАХСИЙ ТАРКИБИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуни 4, 15, 18[1] ва 19-моддаларига мувофиқ ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг тавсияларига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 14 та округ сайлов комиссияларининг қуйидаги шахсий таркиби тасдиқлансин:

14-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси
(Тошкент шаҳар ҳокимлиги маъмурий бинолардан фойдаланиш департаменти биноси, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 14-уй, телефонлар: 0-371 232-11-66)

	Раиси	
1.	Юнусходжаев Ахматходжа Нигманович	Тошкент фармацевтика институти ректори
	Раис ўринбосари	
2.	Каньязов Есемурат Султамуратович	Тошкент давлат юридик университетининг ректори
	Котиби	
3.	Беков Ихтиёр Рустамович	Чилонзор туманидаги "Бизнес лойерс груп" адвокатлик фирмаси адвокати
	Аъзолари	
4.	Анваров Шукуруллохон Махсудхон ўғли	Ўзбекистон миллий университети "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти етакчиси
5.	Ермакова Тамара Таировна	Тошкент шаҳар Молия бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари, "Бюджет бўлими" бошлиғи
6.	Махбубов Дилшод Муминович	Юнусобод туманидаги Увайсий номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси
7.	Махсумов Саиджон Косимжонович	"Халқ сўзи" газетаси Парламент ҳаёти, ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқ масалалари бўлими мухбири
8.	Расулова Нозима Бозорбоевна	Учтепа туманидаги "Шарқ гули" маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси
9.	Ризаев Фарход Хамидуллаевич	Тошкент давлат техника университети ректори
10.	Хусанбоева Нилуфар Қосимбоевна	Яккасарой туманидаги 144-мактаб директори
11.	Юлдашева Умида Тухтамурадовна	Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти қошидаги академик лицей директори

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек, бошқа манбаларда эълон қилинсин.

Марказий сайлов комиссияси Раиси
М.АБДУСАЛОМОВ

Тошкент шаҳри,
2016 йил 23 сентябрь

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида экологик назоратнинг жамоатчи инспекторлари фаолиятини ташкил этиш масалаларига бағишланган ўқув-семинар бўлиб ўтди. Унда қўмита масъул ходимлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари ҳамда журналистлар иштирок этди.

● Бухоро вилоятининг Шофиркон тумани тиббиёт бирлашмаси юқумли касалликлар бўлими биноси мукаммал таъмирланиб, фойдаланишга топширилди.

● Сирдарё вилоятидаги "Бунёдкор – Дилдора қурилиш" масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан қарийб 2 миллиард 300 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. 2 қаватли икки ва уч хонадан иборат "Камолот" уйи 16 ёш оилага топширилди.

● Фарғона вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамкорлигида Фарғона шаҳридаги умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг "Ёзёвон чўллари" муҳофаза этиладиган табиий ҳудудига экскурсияси ташкил этилди.

● Навоий вилоятида бўш турган бино ва иншоотлардан самарали фойдаланиш, инвестиция киритиш шарти билан янги иш ўринлари ташкил этиш мақсадида 15 объект вилоят ҳудудий танлов комиссияси қарорига асосан 9 миллиард 250 миллион сўм ва 550 минг доллар миқдорида инвестиция киритиш мажбурияти ва 422 иш ўрни яратиш шарти билан тадбиркорлик субъектларига сотилган.

ЖАҲОНДА

● Хитой жанубидаги Гуандун провинциясининг Шэньчжэнь шаҳрида биринчи миллий Ген банки ўз ишини бошлади. Банк 47,5 минг квадрат метр майдонни эгаллаб, у ерда генетик маълумотлар базаси ва биологик намуналар омбори жойлашган.

● Филиппин ҳукумати барча олий таълим муассасаларида талабаларни мажбурий текширишдан ўтказишни режалаштирмоқда. Ушбу чора мамлакатда наркотикка қарши кураш мақсадида қўлланилмоқда.

● Миср қирғоқлари яқинида муҳожирларни олиб кетаётган кема ҳалокатга учраши оқибатида 115 киши нобуд бўлди. Қутқарувчилар 155 кишини сувдан олиб чиқишга муваффақ бўлган. Миср бош вазири барча кучлар одамларни қутқаришга йўналтирилишини ҳамда айбдорлар жавобгарликка тортилишини маълум қилди.

Тошкент шаҳрида 23 сентябрь куни "Ўзбекистонда Германия иқтисодиёти куни" мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

САВДО-ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Германия иқтисодиётининг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси ҳамда мамлакатимиздаги Германия иқтисодиёти клуби ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда икки мамлакатнинг иқтисодиёт, савдо, сармоя, саноат, энергетика, логистика, банк-молия, муҳандислик, корпоратив бошқарув, қурилиш каби соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси Алишер Шайхов, Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Найтхарт Хёфер-Виссинг, мамлакатимиздаги Германия иқтисодиёти клуби президенти, "Commerzbank AG" ваколатхонаси раҳбари Бодо Тёнс ва бошқалар мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани, ушбу анжуман савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқаларни янада фаоллаштиришга хизмат қилишини алоҳида таъкидлади.

Германия Ўзбекистоннинг Европадаги муҳим савдо-иқтисодий ҳамкори, мамлакатимиз иқтисодиётига фаол сармоя киритаётган давлатлардан. Савдо соҳасида мамлакатларимиз ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий қилинган.

Мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 2015 йилда 521,5 миллион, жорий йилнинг январь-июль ойларида эса 304,4 миллион долларни ташкил этди. Ўзбекистонда германиялик сармоядорлар иштирокида тузилган 112 корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар савдо, енгил саноат, тиббиёт, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, автомобилсозлик, транспорт ва транспорт коммуникациялари, фан-таълим каби соҳаларда иш юритмоқда.

Ўзбекистон иқтисодиётининг турли тармоқларида Германия банклари иштирокида йирик сармоявий лойиҳалар амалга оширилмоқда. Икки давлат олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтлари ўртасида ўзаро манфаатли алоқалар йўлга қўйилган. Улар доирасида саноат, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, табиий захиралардан оқилона фойдаланиш бўйича биргаликда тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда корпоратив бошқарувнинг самарадор усулларини жорий этишда ривожланган давлатлар, хусусан, Германия тажрибаси ўрганилмоқда. Германиянинг "Daimler", "Siemens", "BMW", "Lufthansa", "Thyssen Krupp", "MAN", "Knauf" сингари 25 етакчи компанияси ташаббуси билан 2002 йилда асос солинган Европа менежмент ва технологиялар мактаби билан ҳамкорлик бу борада муҳим роль ўйнамоқда.

Форумда германиялик ишбилармонларга мамлакатимиз иқтисодиётига инвестиция жалб этишнинг устувор йўналишлари ҳақида батафсил маълумот берилди. Юртимизда давом этаётган кенг кўламли хусусийлаштириш жараёни, иқтисодиётимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ўзгаришлар, сармоядорлар учун яратилган қулай имкониятлар билан таништирилди.

Анжуманда икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорликни, жумладан, сармоя, энергетика, машинасозлик, корпоратив бошқарув, банк-молия, экспорт-импорт каби соҳа ва йўналишлардаги алоқаларни янада ривожлантириш, Германия компанияларини мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этишга оид масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

Шу куни Ўзбекистон ва Германиянинг компания ва корхоналари вакиллари иштирокида кооперацион биржа бўлиб ўтди. Икки мамлакат ишбилармонлари ўртасидаги ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, биргаликда янги лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга оширишга келишиб олинди.

Нодира МАНЗУРОВА

ВАТАННИ ШАРАФЛАШ САОДАТИ

Хабар берилганидек, Ўзбекистон миллий олимпия қўмитасида жорий йилнинг 7-18 сентябрь кунлари Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтган XV ёзги Паралимпия ўйинларида юқори натижаларга эришган спортчи ва мураббийлардан бир гуруҳига Ватанимизнинг юксак мукофотларини топширишга бағишланган маросим бўлиб ўтди.



Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов, маданият ва спорт ишлари вазирининг биринчи ўринбосари М.Алиев, миллий олимпия қўмитаси раиси М.Усмонов ва бошқалар Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида ёшларнинг ўз ақл-заковати, истеъдодини тўла намоён этиши, маҳоратини муттасил ошириб бориши, юксак маънавиятли, баркамол авлод бўлиб вояга етишига қаратилган эътибор ва ғамхўрлик самарасида халқаро майдонларда Ватанимиз шон-шуҳратини улуғлашга қодир ўғил-қизлар етишиб чиқаётганини алоҳида таъкидлади.

Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтган XV ёзги Паралимпия ўйинларида спортчиларимиз эришган юксак ғалабалар халқимизга чексиз ғурур-ифтихор бағишлади, Ўзбекистон спортчилари мазкур нуфузли мусобақада 8 олтин, 6 кумуш ва 17 бронза медални қўлга киритиб, Ватанимиз обрў-эътиборининг халқаро майдонларда янада юксалишига муносиб ҳисса қўшди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Ш.Мирзиёевнинг 2016 йил 22 сентябрдаги Фармонига мувофиқ, мустақиллик йилларида мамлакатимизда спорт соҳасини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ва яратилган қулай шарт-шароитлар натижасида спортчиларимиз томонидан улкан ютуқлар қўлга киритилаётганлиги, айниқса, Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтган XV ёзги Паралимпия ўйинларида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари жасорат ва матонат намунасини кўрсатиб, юксак натижаларга эришганлиги ва дунёнинг энг кучли давлатлари қаторидан муносиб ўрин эгаллаганлиги ҳамда Ватанимизнинг жаҳон миқёсидаги шон-шуҳратини юксалтиришга салмоқли ҳисса қўшганлиги, юртимизда спортни кенг оммалаштириш, ёш авлодни миллий ғурур ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларидаги катта хизматлари учун спортчи ва мураббийлардан бир гуруҳи фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланди.

Мукофотланганлар номидан сўзга чиққан енгил атлетика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари – "Ўзбекистон ифтихори" фахрий унвони соҳиби Ҳ.Норбеков, "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи" фахрий унвони соҳибаси С.Бурхонова, сузиш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, "Жасорат" медали соҳибаси Ш.Тошпўлатова, енгил атлетика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи, "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози" фахрий унвони соҳиби С.Абдухолиқов давлатимизнинг ёшларга қаратаётган юксак эътибор ва ғамхўрлиги учун миннатдорлик билдирди.

– Паралимпия ўйинларида қўлга киритган медалларимизни Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллиги ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг хотирасига бағишлаймиз, – дейди Ҳусниддин Норбеков. – Биз, спортчилар Рио-де-Жанейро майдонларида Ўзбекистон ёшлари ҳеч кимдан кам эмаслигини ва ҳеч қачон кам бўлмаслигини исботлай олганимиздан, эркин ва обод Ватан фарзанди эканимиздан фахрланамиз. Гўзал ва бетакрор, муқаддас Ўзбекистонимиз учун жонимизни фидо қилишга тайёрмиз.

– Инсон ва унинг меҳнати қадр топган юртда яшаш энг улуғ бахт, халқаро майдонларда Ватанни шарафлаш, унинг обрўси юксалишига ҳисса қўшиш энг олий саодатдир, – дейди дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, "Жасорат" медали соҳибаси Севинч Салаева. – Ғалабамизни муносиб кутиб олган халқимиз, камтарона меҳнатимизни юксак баҳолаган давлатимиздан чексиз миннатдормиз. Бу кунлар ҳаётимизнинг унутилмас, бахтиёр кунларига айланди. Бу катта ишонч янада юксак марралар сари рағбатлантиради ва чорлайди.

Байрам АЙТМУРОДОВ,
ЎзА мухбири

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди "ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамияти институтларининг мамлакатда кучли фуқаролик жамиятини барқарор ривожлантиришни таъминлашга ва ижтимоий шерикликни янада рағбатлантиришга қаратилган лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш" мавзусида ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларига Давлат грантлари ажратиш учун қўшимча танлов

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Қуйидаги йўналишларни назарда тутувчи ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалар қабул қилинади:

1. **"Ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан"** шиори остида маҳаллаларда, айниқса, ёшлар орасида ижтимоий-маънавий муҳитни янада мустаҳкамлашда ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назоратини юксалтириш;

2. Ёшларни ижтимоий-ҳуқуқий ва социал-маънавий қўллаб-қувватлаш, айниқса, уюшмаган ва тарбияси муаммоли ёшлар ўртасида турли йўналиш ва мавзуларда, хусусан, **"Мен Ватанимни севаман", "Жамиятда менинг ўрним бор"** мавзусида туркум тадбирлар ўтказиш;

3. Халқ таълими бўлими ва бошқармалари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ижтимоий шерикликда Асосий қонуннинг мазмун ва моҳиятини тушунтириб беришга қаратилган маърифий-тарғибот ишларини ташкил этиш, **"Мен Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганаман"** шиори остида турли кўргазмали материаллар тайёрлаш ва тарқатиш;

4. Маданият ва спорт муассасалари билан шерикликда ёшлар ўртасида халқ спорти ўйинларини оммалаштириш, ёшларнинг бўш вақтларини маданий ташкил этиш, қишлоқ қизларини бадиий гимнастика ва спортга кенг жалб қилиш;

5. Ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашда ижтимоий шерикликни кучайтириш, уларни Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига ёт ғоялардан асраш;

6. Қишлоқ жойларида чет тилларни, Ўзбекистонда яшаётган халқларнинг маданиятини, санъатини ва адабиётини ўрганишда миллий-маданий марказлар, дўстлик жамиятлари билан амалий ижтимоий шерикликни мустаҳкамлаш;

7. Эрта ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатларидан ахборот берувчи кўргазмали материалларни маҳаллий давлат органлари билан ҳамкорликда тайёрлаш ва тарқатиш, аҳоли кенг қатламлари орасида тушунтириш ишларини кучайтириш;

8. Жойлардаги маҳаллий давлат органларига аҳолининг ижтимоий кўмакка эҳтиёжманд қатламлари – аёллар, ёшлар ва ногиронларнинг доимий бандлигини таъминлашга, уларни халқ ҳунармандчилиги тайёр маҳсулотларини ишлаб чиқариш, оилавий бизнес ва тадбиркорликнинг турли шаклларига жалб қилишга кўмаклашиш;

9. Аёллар ва болаларнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда ҳамда уларни ижтимоий-ҳуқуқий ва социал-маънавий қўллаб-қувватлашда жойлардаги хотин-қизлар қўмиталари фаолиятига кўмак кўрсатиш;

10. Савдо-саноат палатаси, бизнес субъектлари ва полиция институтлари билан ҳамкорликда чиқиндиларни иккиламчи қайта ишлаш технологияларини жорий этиш, маҳаллалар ободлигини, аҳоли бандлигини ҳамда тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш;

11. Соғлиқни сақлаш муассасалари билан ижтимоий шерикликда юқумли касалликлар профилактикаси тўғрисида аҳолининг хабардорлигини ошириш, жамиятда соғлом турмуш тарзи тамойилларини кенг тарғиб этиш;

12. Меҳнат мигрантларининг оила аъзоларига тиббий кўрикдан ўтишнинг зарурлигини кенг тушунтириш, уларга ижтимоий-психологик ва тиббий-гуманитар хизматлар кўрсатиш ҳамда бандлигини таъминлаш борасида маҳаллий ижроия органлари билан ҳамкорликда режа ва дастурлар ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга ошириш;

13. Маҳаллаларда ижтимоий-маънавий барқарорликни, тинчлик ва осойишталикни, миллатлараро ва динлараро бағрикенгликни таъминлаш борасида ижтимоий шерикликни кучайтириш;

14. Ёшларнинг тиббий-экологик ва ижтимоий-маънавий маданиятини юксалтиришда ННТ ва ОАВ ўртасида ҳамкорликни кучайтириш;

15. Демократик ислоҳотлар натижасининг моҳияти ва аҳамияти тўғрисида аҳоли ва жаҳон жамоатчилигини кенг кўламда хабардор қилиш, жамиятда бунёдкорлик, яратувчанлик ва эзгунги кунга ишонч муҳитини мустаҳкамлаш;

16. ОАВ ва ахборот агентликлари материалларининг профессионал, мафкуравий ва бадиий даражасини ошириш;

17. ОАВ ва ахборот агентликларининг фуқароларнинг, айниқса, жамиятни ислоҳ қилиш ва янгилашнинг таянчи ва ҳал этувчи кучи сифатида ёшларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий онгига ижобий таъсирини кучайтириш;

18. ОАВ ва ахборот агентликларининг ёш журналист ва техник ходимларини маҳорати ва ижодий фаоллигини юксалтириш;

19. Очиқ фуқаролик жамиятини барпо этишда, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда, жамоатчилик фикрини умумлаштириш ва ифода этишда ОАВларининг роли ва аҳамиятини кучайтириш;

20. "Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилини амалга оширишнинг зарурий шарти сифатида фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти, уларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш.

Давлат гранти ажратилиши учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш зарур:

1. ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган кузатув хати;

2. www.fundngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган давлат гранти лойиҳаси учун ариза;

3. Охирги ўзгартиш ва қўшимчалар билан давлат рўйхатидан ўтган ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг Устави (Низоми) нусхаси;

4. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;

5. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси тақдим этилади;

6. Манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг илтимосномалари, тавсия хатлари илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори – 25 миллион сўмгача.

Ҳужжатлар 2016 йил **20** сентябрдан **20** октябргача қабул қилинади.

Ҳужжатлар **"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди"** номига "Ўзбекистон почтаси" орқали юбориладиган муҳрланган конвертларда (А4 форматда) қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: 100035, Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 1-уй.

Ҳужжатларни тақдим этиш шартлари ва намуналари билан Жамоат фондининг **www.fundgo.uz** расмий веб-сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-64.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида "Ўзбекистонда суд криминалистик экспертизасининг ривожланиш истиқболлари" мавзуида матбуот анжумани ўтказилди.

Анжуманлар

КЕЛГУСИДАГИ РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази фаолиятига бағишланган ушбу анжуманда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимида изчил ислоҳотлар амалга оширилаётгани, жумладан суд экспертизасини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилганлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятида фан ва техниканинг сўнгги ютуқларидан, миллий ҳамда хорижий илғор тажрибалардан фойдаланиш — одил судлов жараёнининг муҳим шарти ҳисобланиб, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда алоҳида аҳамият касб этаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза маркази директорининг ўринбосари А.Закурлаев марказ фаолияти ҳақида батафсил маълумот бериб, узоқ йиллардан бери мамлакатда суд экспертизаси соҳасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга фуқаролик, хўжалик, маъмурий ва жиноий ишларни юритишда замонавий илм-фан имкониятларидан фойдаланган ҳолда назарий ва амалий ёрдам кўрсатиб келинаётганлиги, бугунги кунда Ўзбекистонда фан ва техниканинг изчил тараққиётига хос равишда суд экспертизасининг ҳам барқарор ривожланаётганлиги, ушбу даргоҳда Экспертлик тадқиқотларининг жаҳон стандартларига мос келадиган замонавий, илмий даражада ўтказилиши учун барча шароитлар яратилганлиги ҳақидаги фикрларни билдириб ўтди.

Маълумки, суд экспертизасининг инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлашдаги аҳамиятини инобатга олган ҳолда бу борадаги қонунчилик асослари ҳам такомиллаштириб борилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг "Суд экспертизаси тўғрисида"ги Қонуни экспертлик фаолиятининг ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлаб, унинг асосида қабул қилинган бир неча қарорлар соҳанинг турли йўналишларини такомиллаштиришга қаратилди. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорида белгиланган вазифалар ижроси энг аввало инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, одил судловни амалга оширишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Учрашувда кейинги йилларда амалга оширилган лойиҳалар, йўлга қўйилган экспертиза йўналишлари бўйича далиллар, маълумотлар келтириб ўтилди. Масалан, Марказий Осиёда биринчи бўлиб ташкил этилган инсон ДНКси суд-биологик экспертизаси лабораторияси ёрдамида очилиши қийин бўлган жиноятлар фош этилмоқда.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, Республика суд экспертиза марказида 40 та экспертиза турлари бўйича фаолият олиб борилган бўлса, кейинги икки йил давомида уларнинг сони яна 4 тага, мутахассислик бўйича эса мавжуд 54 та йўналиш сони 6 тага кўпайди. Хусусан, долзарб бўлган рақамли технологиялар, шунингдек, электроакустик монтаж белгилари асосида аудио ва видеоманбаларни комплекс тадқиқ қилиш, ер участкаларига бўлган эгалик ҳуқуқлари қийматини баҳолаш, ташқи савдо фаолиятининг суд-иқтисодий экспертизаси, суд-экологик, суд-сиёсатшунослик-лингвистик, суд-филологик экспертизалар каби янги турлари амалиётга жорий этилди.

Марказ лабораториясида ўзбек, рус, зарур ҳолларда эса, бошқа тиллардаги фонограмма ва видеоёзувлар ҳам тадқиқ қилиниши йўлга қўйилди. Ушбу услуб асосида бугунгача 150 дан ортиқ экспертиза ўтказилди.

Экстремистик, террористик жиноятлар глобал муаммолардан саналади. Мазкур жиноятлар оммавий электрон коммуникация технология воситалари орқали тарғиб қилинаяпти. Олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида суд-сиёсатшунослик-лингвистик экспертизасини ўтказиш услуби ишлаб чиқилди. Мазкур йўналишда эксперт тадқиқотларини амалга оширишда асосан терроризм, экстремизм ва диний адоватни қўзғатиш, конституциявий тузумга тажовуз қилиш, жамоат хавфсизлигига таҳдид солишга қаратилган материалларни тарқатиш бўйича фактлар ўрганилади ва хулосалар берилади.

Бундай янги экспертиза турларининг амалиётда кенг қўлланилаётганлиги жиноятларни очиш, далиллар тўплаш ва уларни илмий асосда мустаҳкамлаш, судлар фаолиятида эса одил судловни амалга оширишга хизмат қилмоқда.

Анжуманда журналистларни қизиқтирган барча саволларга соҳа мутахассислари жавоб беришди.

Шоира МУҲАМЕДОВА



Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан Тошкент шаҳрида жамоатчилик экологик назоратини амалга ошириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар йўлга қўйилган.

ЖАМОАТЧИЛИК ЭКОЛОГИК НАЗОРАТИНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИ



Хусусан, Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2016 йил 23 февралдаги "Ҳудудларда жамоатчилик экологик назорат тизимини ташкиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 51-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида қўмита раисининг 2016 йил 29 февралдаги 49-сонли тегишли буйруғи қабул қилинган бўлиб, мазкур буйруққа асосан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларида экологик назоратнинг жамоатчи инспекторлари тизимини ташкил этиш, жамоатчи инспекторлар фаолиятини йўлга қўйиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу билан бирга, туманларда жамоатчилик экологик назоратини ташкил этиш ва экологик назоратнинг жамоатчи инспекторлар фаолиятини йўлга қўйиш бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари раҳбарлари ҳамда фуқаролар иштирокида жойларда ўқув-семинарлари ва тушунтиришлар ўтказиб келинмоқда.

Тадбирлар давомида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 8 октябрдаги "Жамоатчилик экологик назоратини амалга оширишга доир намунавий низомларни тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2016 йил 17 февраль куни тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик экологик назорати институтини ривожлантириш тўғрисида"ги 14/3-2551-сонли тадбирлар режасидан келиб чиқиб, туманларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларига услубий кўмак бериш орқали улар таркибида ҳамда шаҳримиз фуқаролари орасидан экологик назоратнинг жамоатчи инспекторларини ташкил этиш ва бошқа долзарб масалалар чуқур муҳокама этиляпти.

Маҳалла фуқаролар йиғинлари қошида ташкил этилаётган экологик назоратчиларга яқиндан амалий ва услубий кўмаклар бериш мақсадида қўмитада жамоатчилик экологик назорат фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича махсус марказ ташкил этилган.

Марказ томонидан дастлабки ўтказилган ўрганишлар натижасида, Тошкент шаҳридаги мавжуд 11 та туманларнинг жами 478 та маҳаллаларида "Экология ва табиатни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича" махсус комиссияларнинг самарали фаолият юритиб келаётганлиги маълум бўлди.

Мазкур комиссиялар фаолияти ҳамда жойларда амалга оширилаётган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари билан яқиндан танишиш мақсадида қўмита томонидан бевосита жойларга чиқилди.

Хусусан, Миробод туманидаги "Файзиобод" маҳалласида Наврўз байрами арафасида ўтказилган умумхалқ ҳашари доирасида ариқлар ва ирригация тармоқлари чиқиндилардан тозаланган, кўчалардаги дарахтларни оқлаб, уларга шакл берилган ҳамда 300 тупдан ортиқ манзарали ва мевали дарахт кўчатлари ва 500 га яқин ҳар хил турдаги гул кўчатлари экилган.

Қолаверса, маҳалла ҳудудида бўш қолган майдонлардан унумли фойдаланиш мақсадида аҳоли томонидан 4 та янги боғлар барпо этилган бўлиб, улар ҳудудида 700 тупга яқин манзарали ва мевали дарахт кўчатлари экилган. Ушбу боғларга экилган кўчатларни аҳоли томонидан ўз вақтида парваришлаш ва доимий суғориш бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилган.

Бундай ижобий ишларни, Тошкент шаҳрининг бошқа туманларида ҳам кузатиш мумкин. Хусусан, Олмазор туманининг Беруний, "Зиё" маҳаллалари, Бектемир туманининг "Олтинтопган", Абай, Ҳусайн Бойқаро, "Мажнунтол" маҳаллалари, Яшнобод туманининг "Гулистон", "Машинасозлар", "Тузель" маҳаллалари, Юнусобод туманининг "Умид", "Ўзбекистон Мустақиллиги", "Аҳилобод" маҳаллалари, Мирзо Улуғбек туманининг Нодирабегим, "Дарҳон", "Азамат" маҳаллалари, Чилонзор туманининг "Катта Қозиробод", "1-Қатортол", "Новза" маҳаллалари, Яккасарой туманининг "Қушбеги", "Дилбулоқ", "Яккасарой", "Яккасарой-2" маҳаллаларидаги ибратли ишлар шулар жумласидандир.

Шу билан бирга, шаҳримизда мавжуд жами маҳаллалар қошидаги комиссиялар таркибидан экологик назоратнинг жамоатчи инспектори бўлиш истагини билдирган фуқароларнинг аниқ рўйхати шакллантирилган бўлиб, ҳозирги кунда улар билан тизимли ишлар йўлга қўйилган.

Қўмитанинг энг асосий мақсадларидан бири бу — экологик назоратнинг жамоатчи инспекторлари фаолиятини муваффақиятли йўлга қўйиш, уларнинг экология ва табиатни муҳофаза қилиш бўйича билим ва кўникмаларини янада ошириш, улар иштирокида манзилли махсус ўқув-семинарларини ташкиллаштириб, ҳар томонлама услубий кўмаклар беришдир.

Бу билан она юртимиз пойтахти ҳисобланган Тошкент шаҳрининг янада гуллаб-яшнашига ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.

Зеро, ҳар биримиз, атроф-табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш ва табиий ресурлардан оқилона фойдаланишга масъулдирмиз. Шундагина юртимизда ўсиб келаётган келажак авлодга нафақат соф мусаффо ҳавони таъминлаб берган, балки она табиатимизнинг гўзал манзараларини асллигича қолдирган бўламиз.

Азизжон КАЛИМБЕТОВ,
Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси Ахборотлаштириш ва тарғибот бўлими бошлиғи

Тошкент – Ўзбекистон Республикасининг пойтахти ва Марказий Осиёдаги энг йирик шаҳарлардан бири ҳисобланиб, Ўзбекистоннинг шарқий қисмида жойлашган, умумий ер майдони 334,8 квадрат километрдан иборат. Тошкент шаҳри Ўзбекистон Республикасининг маъмурий, сиёсий, иқтисодий ва маданий маркази саналади.

ДОВ-ДАРАХТЛАРНИ АВАЙЛАБ, АСРАЙЛИК

Маъмурий жиҳатдан 11 та: Бектемир, Миробод, Мирзо Улуғбек, Сергели, Олмазор, Учтепа, Шайхонтоҳур, Яшнобод, Чилонзор, Юнусобод ва Яккасарой туманларига бўлинади.

Барчамизга маълумки, Бош Қомусимиз ҳисобланган — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 1992 йил 8 декабрь куни қабул қилинган. Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги асосий қонун эса бу — Ўзбекистон Республикасининг "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонуни бўлиб, 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган. Бу ҳукуматимизнинг табиатни муҳофаза қилиш соҳасига бўлган улкан эътиборидан дарак беради.

Йўналиш бўйича оладиган бўлсак, "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги қонун 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган. Ҳозирги кунда унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Одатда гул, бута ва дарахт кўчатлари бир йилда икки маротаба баҳорги ва кузги мавсумда экилади. Дарахт кўчатларини экиш вақтида ҳам баъзи меъёрий ҳужжатларга эътибор бериш керак бўлади. Бинолар ёнида экиладиган дарахтлар ШНК 2.08.01-05 "Турар жой уйлари" ва ШНК 2.08.02-07 "Жамоат бинолари ва иншоотлари" ҳужжатларига мувофиқ тарзда турар жой ва жамоат иморатларининг қўёш тушиши ва ёритилишига тўсқинлик қилмаслиги керак. Мавжуд меъёрларга риоя қилмасдан экилган дарахт кўчатлари кўкариб, бир қанча вақт ўсганидан сўнг ўз салбий таъсирини кўрсатади. Мавжуд коммуникация тармоқларига шикаст етказилиши шулар жумласидандир. Натижада уларни кесишга зарурат пайдо бўлади. Вақт ўтиши билан бирга бир неча йил аввал экилган дов-дарахтлар ёшини яшаб қуриб қолиши, зарар-кунандалар билан касалланиши ёки танаси эгилиб авария ҳолатига келиб қолиши мумкин. Пировардида бундай дарахтларни кесиш эҳтиёжи пайдо бўлади. Бундай ҳолатларда ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 октябрдаги "Биологик ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисида"ги 290-сонли қарорига асосан амалга оширилади. Шу жумладан, Тошкент шаҳридаги мавжуд дов-дарахтларни кесиш ҳам. Ушбу қарор талабига мувофиқ, дарахтларни кесиш ўсимлик дунёсидан махсус фойдаланиш ҳисобланиб, тўлов эвазига рухсатномалар асосида амалга оширилади. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, агар кесилиши лозим бўлган дарахтлар қуриб қолган бўлса, бундай ҳолатларда тўлов пули ундирилмайди. Дарахтларни кесиш учун ҳудуд бириктирилган ташкилот (ширкат, мактаб, маҳалла, МТМ ва бошқалар)дан маҳаллий ҳокимият органларига яъни туман ҳокимиятларига ариза берилиши керак. Туман ҳокимиятидан келган аризалар қўмитанинг Давлат инспекторлари томонидан ўрганилиши натижасига кўра далолатнома тузилади ва бу далолатнома бажариш учун аризачи томонидан имзоланади. Тузилган далолатнома ҳамда хулосалар туман ҳокимиятларига юборилади. Туман ҳокимиятлари томонидан туман ҳокимининг қарори ҳамда дарахтларни кесиш учун рухсатномалар расмийлаштирилади. Дарахтларни буталаш учун табиатни муҳофаза қилиш органларининг рухсати талаб этилмайди. Шу билан бирга, бундай ишларнинг асосан ободонлаштириш бошқармалари ходимлари томонидан агротехник меъёрларга риоя этган ҳолда амалга оширилишини эслатиб ўтамиз. Баъзида мутахассис бўлмаган шахслар томонидан буталаш ишлари амалга оширилаётган вақтда дарахтларни шикастлантириш ҳолатлари ҳам учраб туради.

Минг афсуски, баъзан шаҳримиздаги ўсаётган дарахтларни шикастлантириш, айрим ҳолатларда эса рухсатсиз кесиб ташлаш ҳолатлари ҳам учраб туради. Шаҳарлардаги дарахтлар шикастлантирилган ва рухсатсиз кесилган ҳолатларда қўмитанинг Давлат инспекторлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 162-моддасига мувофиқ ҳуқуқбузарларга нисбатан жарима чоралари қўлланилади.

Дарахтлар рухсатсиз кесилганида ўз-ўзидан маълумки, табиатга зарар етказилади. Бундай ҳолатларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 октябрдаги "Биологик ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисида"ги 290-сонли қарори талабига мувофиқ ноқонуний равишда, яъни тегишли ҳокимият рухсатномаси бўлмай туриб дов-дарахтлар кесилган ҳолатда ўсимлик дунёсига етказилган зарар миқдори ҳисобланиб, ундирилади.

Агарда ўсимлик дунёсига катта миқдорда зарар етказилган бўлса, тўпланган ҳужжатлар қонуний чора кўриш учун Тошкент шаҳар прокуратурасига юборилади. Бундай ҳолатларда айбдор шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 198-моддасига асосан жазо чоралари қўлланилади.

